

ТИЛИМИЗ ТАРИХИ – ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИ

Абдуалиева М., ГулДУ ўқитувчиси

Ўзбек адабий тили ва унинг шева ҳамда диалектлари қариндошликни ифодаловчи терминларга бойлиги ва ранг-баранглиги билан бошқа туркий тиллардан ажралиб туради. Шуниси ҳам борки, уларнинг бир қисми умумтуркий, баъзилари маълум бир шева, диалектга хос бўлиб, адабий тилга ўзлашиб кетмаган.

Тилдаги луғавий бирликларнинг келиб чиқишини, этимонини аниқлаш тилшунослик фани олдида турган долзарб вазифалардандир.

Бугунги кунда туб лексема деб қаралаётган бир қатор бирликлар ҳам борки, уларнинг илдизлари ўрганилганда, бу луғавий бирликлар ясама эканлиги маълум бўлади. Жумладан, “**келин**” лексемаси ясама бўлиб, “**кел**” феълига – **ин** ясовчи қўшимчаси қўшилишидан ҳосил бўлган. Ўрхун-Енисей ёдгорликлари тилини тадқиқ қилган В.Х.Радлов ва П.Мелиоранскийлар “**келин**” лексемаси “**кел**” феълига **-ин** сўз ясовчи қўшимчасини қўшиш орқали ясалганлигини таъкидлайдилар. Шу билан бирга, Ўрхун-Енисей ёдномаларида, қирғиз, ўзбек, уйғур тилларида “келин” туркман тилида “**гелин**” – деб изоҳлайдилар. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам қатор лексемаларнинг ёрдамида ясалганини сезиш қийин эмас: **эк+ин** каби.

Яна айрим мисоллар келтиришда давом этамиз. “**Тоға**” лексемаси асли ясама бўлиб, **тай** + **оға** сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган. “Бобурнома” да бу термин қуйидаги шаклда учрайди: Мирзо дарвозасига етган маҳалда Ширим тағойи жилавимни олиб, Намозгоҳ сори тебради.

Туркий тиллар тарихи бўйича тадқиқотлар олиб борган тилшунос Л.Потанов ҳозирги олтой тилида “**тай**” сўзи она томондан қариндошликни билдирувчи сўз эканлигини таъкидлайди. Худди шундай фикрни В.Радлов ҳам илгари суради: Слово “**тай**” в современном киргизском встречается в ряде сложных слов, обозначающих родственное отношение по линии матери: **тайата** – дед по матери; **тайэне** - бабушка по матери; тайэже-сестра матери; **таажене** < **тайжене** - старшего родственника матери; **таажесте** < **тайжесте** – муж сестры матери; северный **тайаке** и южный **таға** < **тайаға** – старший брат матери и др.

Энди **тайоға** лексемасидаги **оға** компоненти ҳақида фикр юритамиз. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (1981) да ака ва оға лексемаларига бир хил изоҳ берилганлигини ўқиймиз: 1. Бир ота-онадан туғилган катта ўғил (укаларига нисбатан). 2. Ўзидан катта эр кишига мурожаатда ёки унга ҳурмат юзасидан ишлатилади.

Ҳозирги қирғиз, қозоқ, туркман, олтой тилларида **оға** лексемаси **ака** маъносида (старший брат) ишлатилади. Фақат озар тилидаги **аға**, қирғиз ва қозоқ тилларидаги **ағай**, мўғул тилидаги **ахай** лексемалари катта ёшдаги кишига ҳурмат юзасидан мурожаат пайтида қўлланилади.

“Бобурнома”га назар ташлар эканмиз, мазкур лексема ёрдамида мансаб-лавозим билдирувчи қўшма сўзлар ясалганлигининг гувоғи бўламиз: Беклардин Али Дарвешбек, Мирзоқули Кўкалтош, Муҳаммад Боқирбек, Шайх **эшикоға** Ахсида эдилар.

Лексемаларнинг этимонини аниқлаш билан тилшуносликнинг этимология бўлими шуғулланади. Бундай тадқиқот натижалари тил системаси ва структурасидаги турли жараёнларни ҳамда лексемаларнинг этимологик маъноларини аниқлашда, этимологик луғатлар тузишда аҳамиятлидир. Қолаверса, тил тарихини билиш миллат тарихини билиш эканлигини унутмаслигимиз керак.

Адабиётлар:

1. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. I-IV., СПб., 1893-1911.
2. Мелиоранский П.М. Араб.филолог о турецком языке. -Санк-ПБ, 1990.
3. Потанов Л.П. Очерки по истории алтайцев. –Новосибирск: 1948.

